


Туркистон Тонги



www.turkistontongi.com | e-mail: gazeta@turkistontongi.com, raximtoy@bk.ru

Ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий-публицистик газета

Мустафо ЖАМИЛ:

“ТУРКИЙЛАРГА ОЗОД- ЛИК ВА БАХТ ТИЛАЙМАН!”

ТУРОН ЁЗҒОННИ ХОТИРЛАБ...

Бутундунё туркийларнинг 3-қурултойи ташкилотчиларидан бири - Уфук Ўзирмоқ билан машхур туркшунос олим ва арбоб Турон Ёзгон вафотининг бир йиллигига бағишланган анжуман залига кирганимизда Қозоғистондан келган шоир ва арбоб Мухтор Шаханов нутқ ирод қилаётганди. У икки қўлини икки ёнга ёйиб, 1986 йилги Олмаатада юз берган Желтоқсон воқеалари ва бу фожеаларни жамоатчиликка ёйишдаги ўз роли ҳақида баланд овозда ҳаяжон билан гапирди...

Менга, Желтоқсоннинг 4 йиллигидаги Алматида ўтган митинг пайти, у ердаги туркчи-мусулмон йигит - Решит Бейбутов Мухтор Шахановни Олий Кенгашда қозоқ халқи номидан гапиришга деярли мажбур қилишганини сўзлаб берганди.

Орка томондан кимлардир Мухтор оға сўйлаётган сўзларнинг Турон Ёзгонга нима алоқаси бор, дегандай бўлди. Мухтор оға худди шуни сезиб тургандай Турон Ёзгон билан ўзининг учрашувлари ҳақида сўзлашга киришди. Шунда залдагилар унинг сўзларини янада эътиборлироқ эшитиб, қарсақлар билан қувватлаб туришди...



Сўнг Турон Ёзгоннинг дўстлари, сафдошлари, шогирдлари минбарга чиқишиб, уни турк дунёсининг XX ва XI асрдаги Исмоил Ғаспиралиси, Турк дунёси тадқиқот вақфининг қурувчиси ва бошқони сифатида таърифлашди. Уларнинг нутқлари ҳам гулдурас қарсақлар билан кутиб олинди.

Саҳнага Қрим татар туркларининг лидери Мустафо Жамил ўгли чиқиши эълон қилинаркан, залдаги 500га яқин киши оёққа қалқиб, уни қарсақлар билан олқишлай бошлашди.

Бўйи ўзимиз катори, жусса-си биздан-да кичкина бу афсонавий лидернинг орқасида учта азамат йигит қўлларидан Қрим татарларининг байроқларини кўтарган ҳолда, уларни силки-тиб, ўз лидерларининг ортидан кузатиб келишарди. Бу ҳол залга янада ҳаяжонли рух ато этди.

Мустафо абий, бу хил ҳаяжонли ҳолларга кўникиб кетган одамдай ўзини сокин

давоми 2-бетда



СЕРҲИММАТКОРЛИК ҲАММАНИНГ ҲАМ ҚЎЛИДАН КЕЛМАЙДИ

Халқимизда “Беш қўл баробар эмас” деган ибора бор. Фикримча, аждодларимиз ушбу каломда “беш қўл” эмас, “беш бармоқ”ни назарда тутишган бўлса ажаб эмас. Ҳақиқатан ҳам беш бармоқ бирдек эмас: бири йўғон бўлса, бири “новча”, жимжилоғ эса ингичка. Ва яна бир қўлга жо бўлган бармоқларимизнинг ҳаракати, ишчанлик қобилияти ҳам бўлакча. Бош ва ўрта бармоққа қараганда кўрсаткич бармоғимиз ҳаётини ҳаракатларимизда бизга кўпроқ иш беради. Шундай эмасми?!

Ўхшатиш жоиз бўлса, дунё одамларини ҳам “баробар” бўлмаган бармоқларга қиёслагим келади. Одамлар бор – бир умр ўз рўзғори, кундалик тирикчилик ташвишларидан ортмай ўтиб кетади.

Одамлар бор – фикр-у ўйи тўрт қаватли том қуриш, бойиш, топганини еб-ичиш.

Баъзилар бор – “е тўним, е, ич тўним, ич” қабилида иш битиради, қўйиб берсангиз,

(давоми 3-бетда)

НОЗЎРАВОН ҚУРАШ ФИДОЙИЛАРИ

НЕЛЬСОН МАНДЕЛЛА ИБРАТИ

Аллоҳ Нельсон Манделла каби инсонларни бошқаларга ибрат бўлиши учун яратган. У бандаларим ибрат олмасин, деган мақсадда эса Фираъви, Чингизхон, Гитлер, Сталин каби шахсларни ҳам дунёга келтирган.

Нельсон Манделланинг инсоният олдидаги хизмати шундан иборатки, у оқтанлиларнинг зулми билан “қорамол”га айлантирилган жанубий африкалик маҳаллий қоратанли аҳолини “қорамол”ликдан ёруғликка олиб чиқа олди. 27 йил қамокда ўтирган Нельсон Манделлани хар куни сўроққа ва қийноққа олиб чиқишар экан. Сўроқ ва қийноқ



давомиди у фақат ягона жумлани такрорлар ва ҳайкирар экан: «ХАЛҚ БАРИБИР ЕНГАДИ!» 27 йил мобайнида темир панжара ортида фақат битта шу жумлани такрорлаган инсон ўз халқини нақадар севишини ўзбеклар кўз олди-га келтира олишармикин?

Нельсон Манделланинг ибратлари нимадан иборат? Биринчиси, халқини чин юракдан, бутун қалби билан севган инсонни мустабид тузум ўлдиролмас экан! Иккинчиси, бундай инсонни халқ охир-оқибат тўлиқ тушунар ва сўзсиз ўзига раҳбар қилиб сайлар экан! Учинчиси, хар бир инсон, агар у инсонпарвар ва халқпарвар бўлса, умрининг охиригача зулмга қарши курашиши керак!


МАХАТМА ГАНДИ ФИ- ДОЙИЛИГИ

Ҳиндистонни ажнабий инглизлар истибдодидан халос қиламан, деб минглаб одамлар курашга бел боғлаган. Бироқ уларнинг биронтаси ҳам ҳаётини фақирлик, камтарлик ва эътиқод билан ўтказган Махатма Ганди каби буюк қалбга эга бўлмаган.

У инглиз босқинчиларига қарши жангу-жадал йўлини эмас, нозўравон қаршилик кўрсатиш йўлини танлаган. Махатма Ганди оддий бир нарсани кўра олган: ўша даврда Ҳиндистонда Англиянинг катта колониал ҳарбийлари ва сон жиҳатдан ундан кам бўлмаган амалдор ва хизматчилар армияси турган. Бу қатлам еб-ичиши, кийиниши, уй-жойга эга бўлиши ва бошқа ҳаётини эҳтиёжлар билан таъминланиши керак бўлган шароитда бу ишлар хиндларнинг гарданида бўлган.

Махатма Ганди хинд халқини инглизлар фойдасига бирор-та иш қилмасликка, яъни ишламасликка ундаган. У хиндларни фақат ўлиб қолмаслик учун у-бу нарса етиштиришга чорлаган. У юзлаб миллион хиндларни шу кураш йўлига ишонтирган!

Т а б и и й , Ҳиндистон худудида яшаётган инглизларни боқиш, кийинтириш ва бошқа эҳтиёжларини қондириш учун маҳсулотни кемалар билан Англиядан Ҳиндистонга ташиш лозим бўлган. Тез орада колонияни бундай шароитда бошқариш Англия иқтисодига ҳам, халқининг кайфиятига ҳам катта зарба берган ва Англия Ҳиндистондан чиқиб кетишга мажбур бўлган.



Толиб ЁҚУБ

Ушбу
сонда:

СЕРҲИММАТКОРЛИК
ҲАММАНИНГ
ҲАМ ҚЎЛИДАН КЕЛ-
МАЙДИ
(1-3 бетлар)

«ОЙ НУРИ»

(Эврил Турон
романидан боблар
4-5 бетлар)

«ҚОЗОҒИСТОНДА
ЎЗБЕК - ЎЗБЕКНИ ЖАР-
ГА ИТАРМОҚДА

(6- бет)

ЭРКНИ КУЙЛАГАН
ШОИРГА ҚАМЧИ -
МУКОФОТ

7-бет

Албатта
ўқинг!

"ТУРКИЙЛАРГА ОЗОДЛИК ВА БАХТ ТИЛАЙМАН!"

(давоми, боши1-бетда)

тутиб, Турон Ёзгоннинг фаолияти, унинг кримлилар учун оғир дамларда берган ёрдамлари, хусусан кримлик болаларни Туркияга даъват этиб, уларнинг ёзги дам олишларини уюштириб бергани, Крим халқининг курашини турли йўллар билан дастақлагани хусусида гапирарди.

Крим халқи лидери Турон Ёзгонни Турк дунёсининг жонли қомуси, архиви сифатида таърифлаб, сўзини тугатаркан, ўз ўрнига этиб боргунча залда қарсақ ва олқишлар тўхтамади.

Мен ўзбекларимизнинг уч тўртга бўлинган халқ ҳаракатларимиз-у уларнинг лидерларидан биронтаси бу залда пайдо бўлганида шу хил олқишлар бўлармиди, дея ўзимга савол бердим. Аммо жавоб топа олмадим.

Тахминан 2 соатга чўзилган анжуманнинг ёпилиши эълон қилиниши билан атрофдаги туркчи олим-

зомига кўпчилик овоз билан халқимиз манфаатига зид ҳаракатлар қилганларни мажлис бошқаруви, ҳатто делегатлар сафига ҳам қўшмасликни акс эттирувчи янги модда киритдик. Шу билан халқимизни бўлгучилар сафи кескин қамайди. Аммо ўз манфаати йўлида халқ манфаатини сотадиганлар ҳозир ҳам оз бўлсада учраб туради.

- **Худди Қирғизстондаги ўз манфаати учун ҳукумат одамларини оёғини ялайдиган, керак бўлса ўзбекларнинг манфаатига ҳам қарши бора оладиган кимсаларга ўхшаркан-да.**

- Туркийларнинг душманлари ташқарида ҳам, ўз ичида ҳам оз эмас. Жанубий Қирғизстондаги ўзбеклар билан қирғизлар ўртасида муаммо туғдиришди. Асли туркий миллатдан бўлган қавмларнинг бир-бири билан қир-пичок бўлиши икки миллат учун, айниқса, қуролсиз одамларга қурол билан бостириб келганлар учун уятли ҳолдир. Ҳукуматлар аралашиб бу зиддиятларни бартараф этиши лозим эди.

- **Афсуски, Ўзбекистон ҳукумати ҳам, Қирғизстоннинг Роза Ўтинбоева бошлиқ вақтли ҳукумати ҳам муаммоларга, фожеяларга панжа орасидан қаради, тўхтатиши мумкин бўлган пайтда ҳам бунга интилмади.**

- Аввалроқ Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг баёнотини ўқигандим.

- **Ҳа, баёнот берилди, аммо поезд кетиб бўлганди. Ҳозирда ҳам ўш ва жалолободлик ўзбекларга тазийқ кўп. Аммо буларни тўхтатиши учун икки ҳукумат ҳам бирон жиддий чора кўраётгани йўқ.**

- Бу муаммоларни ечишга бош қўша олмаётганим учун афсусдаман. Умуман, туркийларнинг муаммолари кўп. Шарқий Туркистон уйғурлари, Эрон озарбайжонлари, қозон, бошқирд татарларининг ҳам ўз муаммолари бор. Мен шу хулосага келдимки, ҳар бир халқ ўзини-ўзи англаб, олдида турган муаммоларни ечишга ўзи интилмас экан, уларга бошқалар қайишмайди. Бошқа бир замон бўлганда балки, мумкин, аммо бугунги кунда бировнинг муаммосини бошқалар ечиб бермас экан.

- **Қрим татарларнинг қандай муаммолари бор?**

- Биз халқимизнинг нуфузини кўпайтирмакчимиз, эндиликда, бутун дунёдаги ҳозирча юртимизга келишга ҳайиқиб турган миллатдошларимизни юртга даъват этмакчимиз. Зангин миллатдошларимиз қаерда бўлсада, ўз халқига ёрдамчи бўлишлари лозим.

- **Қрим турклари ватаннинг қайси ҳудудларида кўпроқ яшашяпти?**

- 280 000 нуфузга эга бўлган миллатдошларимиз Қримнинг кўп ўлкаларига ёйилиб кетишган. Аммо Қоратўпада бу ер аҳолисининг 33 фоизи, Семфиреполда 22 фоизи миллатдошларимиздир. Шунга ҳам шукур.

- **Қрим туркларининг бугунги ижтимоий ва иқтисодий аҳволи қандай?**

- Ижтимоий ва иқтисодий аҳволимиз мактанарли даражада эмас, халқимиз кўп қийинчиликларга чидаяпти. Зотан биз Ватандамиз. Шунинг ўзи - катта бахт.

- **Бахтлиққа бахт, аммо Инсон инсондай яшаши, уни ҳеч ким камситмаслиги, ҳукумат ичида мавқега эга бўлиши керак эмасми?!**

- Албатта шундай бўлиши керак. Қрим халқи вакиллари ҳукумат ичида ҳам, оз бўлсада, мавжуд. Украина ва вилоят депутатлари орасида миллатдош

ларимиз бор. Туман, вилоят даражасидаги идораларда ҳам вакилларимиз бор, бироқ кўп эмас. Масалан, мен ўзим Украинанинг Қрим халқини тамсил этувчи депутатиман.

- **Қрим татар тилида мактаблар, олий ўқув юртлири дегандай...**

- Афсуски, ҳозирча йўқ. Бугунги кунда ўз тилимизда мактаблар очиш учун курашмоқдамиз. Қрим татар Мажлиси номидан бир неча бор Украина ҳукуматига мурожаат қилдик. Ҳозирча натижа йўқ. Бироқ, биз тўхтаб қолаётганимиз ҳам йўқ, ҳамма масалаларда, хусусан мактаб масаласида ҳам кураш давом этмоқда.

- **Ҳаммамиз ҳам қариямиз. Қрим татар ёшлари орасида Сизнинг ишингизни Сизнинг каби давом эттирувчи лидерлар борми?**

- Худога шукур бор. Аммо ҳозирча отларини айтгим келмаяпти.

- **Уларга таҳдид борми?**

- Очик бўлмасида таҳлика бор.

- **Қрим татарлари ҳақ-ҳуқуқлари масаласида ўзгаришлар борми?**

- Биз, Қрим татар Мажлиси номидан ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни олиш учун мужодала олиб бормоқдамиз. Кураш осон кечаётгани йўқ. Украина давлати ҳали этник сиёсатга оид қонунни қабул этмади. Биз улардан Қрим татарлари вазиятини муҳокама этмоқ, охир-оқибат уларнинг аҳволини яхшиламоқ учун форум ташкил этишларини талаб қилдик.

- **Яна?**

- Украина Конституциясига асосланиб, мамлакат юқори шўросига (Олий Кенгашига) миллий этник концепсия ҳақида ҳужжат лойиҳасини топширдик. Лойиҳаларимизда сургунлар натижасида миллий озчиликка айланиб қолган халқларни туб халқ сифатида эътироф этилишини талаб қилмоқдамиз.

- **Лойиҳаларингизнинг тақдири нима бўлди?**

- Шу орада Украина бошчилари ҳам бизнинг лойиҳамизга муқобил лойиҳаларини топширишди. Агар бизнинг лойиҳамиз қабул қилинса, Украинадаги, Қримдаги татарлар туб халқ эканлиги тан олинар ва кейинчалик ҳақ-ҳуқуқларимизни янада жиддийроқ талаб қилиш учун имконият яратилар, Қрим татарлари ва бошқа сургунга учраган халқларнинг ҳуқуқлари ифодаланган қонун қабул қилинишига йўл очиларди.

- **Бу лойиҳалар қабул қилинмадими?**

- Кейинроқ бўлиб ўтган сессияда қаттиқ тортишувлар бўлди, Қонунни қабул қилиш овозга қўйилди. Украина компартиясининг раҳбари ва шотирлари Қрим халқи ҳақида заҳарли сўзлар айтишди. Натижада рўйхатдан ўтган 440 депутатдан 177 кишигина ижобий жавоб берди ва таклифимиз ўтмай қолди.

- **Энди нима қилмоқчисизлар?**

- Биз жойларда ва Украина парламентида курашни давом эттиряпмиз. Украина ва дунёнинг демократик кучлари биз томонда.

- **Таҳририят аъзолари ва ўз номидан курашларингизга омад, қрим халқига тўла озодлик ва мукамал бахт тилайман.**

- Мен ҳам ўзбек халқига ва бутун туркийларга озодлик ва бахт тилайман!

- **Сўхбатингиз учун раҳмат!**

- Саломат бўлинг!

**Ботир Норбой
суҳбатлашди
Истамбул.
8 декабрь
2013 йил**



лар, арбоблар, адиблар, умуман шу ерда йиғилганлар Мустафо абийни ўраб олишиб, у билан туркчасига кўришишар, қўлларини ўпишар, манглайига суришар, уни суратга олишарди...

Мустафо абий одамлар қуршовида залдан ташқарига йўналаркан, мен ҳам кўришиш умидида унга яқинлашишга ҳаракат қилар, аммо одамлар зич ўраб олганлари учун эпломасдим. То Мустафо Жамилга ажратилган машинага яқинлашгунча у билан суҳбатлашиш иложи бўлмади. Абий машинага ўтириши арафасида мен ўзимни Қрим татар туркларининг мужодалаларини Тошкентдан биладиган журналист сифатида таништириб, учрашиш илинжида эканлигимни айтдим. У киши менга: "Эртага Қрим татар дарнагига боринг, учрашамиз", деб даъват этди.

ҚРИМ ТАТАР ДАРНАГИДА

Қрим татар дарнаги журналистлар, операторлар билан тўла эди. Шунга қарамасдан, Мустафо абий мени қабул этди. Мен унга Тошкентда Қрим татарлари ўтказган митингларни, ўзбекистондаги мужодалаларни эслатдим. "Туркистон тонги"нинг уни интервьюси чиққан сонларидан бирини ва кримлиларнинг музейлари учун қозоқ ва ўзбек тилларида чиққан қатор сонларини топширдим. Табиийки, хурсанд бўлди. Шу орада суратга тушдик.

Гапларимиз қовуша бошлади. Ўзбек муҳолифати лидерларининг айримлари номларини тилга олдик. "Ҳа, икки лидерларинг бир-бири билан келиша олмаганидан хабарим бор", деди афсусланиб.

- **Сизларда шу хил келишмовчиликлар йўқми? - сўрадим, Мустафо огадан.**

- Сизлардагидай бўлмасида, бошқача турлари учраб туради. Масалан, бир хил миллатдошларимиз ўз манфаати йўлида Украина ҳукуматидаги айрим арбобларнинг йўриғига юрган пайтлар бўлди, биз уларга вақтида дашном бериб бу хил ҳаракатларни тўхтатиб қола олдик. Биз Қримтатар мажлиси ни-

СЕРҲИММАТКОРЛИК ҲАММАНИНГ ҲАМ ҚЎЛИДАН КЕЛМАЙДИ

давоми, боши 1 - 3-бетларда

хаёт илинжида – турли мақсадларда хориждан кўним топган юртдошларимиз кўп. Айтинчи, орангизда пешона тери эвазига ишлаб топган пулидан – ўз хамёнидан (грант маблағлари бундан мустасно) қайсидир қашшоқ юртдошига, 10 йил давомида юзлаб одамларга ойма-ой узлуксиз улашишни кўя туринг, лоақал бир бора 100 доллар ҳиммат кўрсатишга кўзи қийган валломат борми, топиладими?

Сиз Баҳодир каби саҳоватпеша бўла оларминдигиз?

Масалан, бу иш шахсан менинг қўлимдан келмаган бўларди. Бошқаларни билмадим, шахсан ўзим 50 ёшимга довурам бировга беҳудага бир сўм берганимни эслай олмайман. Шу пайтгача ҳавоий орзу ҳавасларим, рўзгоримдан орттириб кимгадир ҳиммат кўрсата олган банд эмасман. Эҳсонни кўя туринг, қарз сўраган банданинг мушқулини осон қилсаммикин, йўқми деб нақд ўн кун ўйлаб, уйқум қочади. Бу бор гап, алдаб нима қилдим? Сизга ёлғон гапиришим, керилишим мумкин, лекин Эгамни алдай олмайман-ку?

Эҳтимол, орангизда мен кабилар кўпдир? Сиз ҳам ҳақиқатнинг кўзига тик қарайдиган, мен кабилдирсиз, яна ким билсин? Шу маънода тан олинг, серҳимматкорлик ҳамма учун ҳам эмас-да.

Ким нима деб ўйлаши, ким нима деб сўйлашидан қатъи назар биз билладиган, биз ҳурмат қилладиган ва биз яхши кўрадиган Баҳодир Ҳасан ана шундай саҳоватпеша шахс.

У ўзгалар каби фақат халқини оғиздагина ардоқламайди, балки йиллар давомида элпарварлигини амалда ҳам исботлаб келади.

Эшитган бўлсангиз, халқ орасида латифанамо бир ривоят юради: бир банданукул “Эй, Худо, туғилганимдан бери сендан ризқ сўрайман, оху ноламни эшитай демайсан, насиба бермайсан... Мениям кўпнинг қаторида кам қилмасанг, менгинагаям берсанг, нима қиларкин?” деб Яратганга нола қиларкан. Охийри бир кун Аллоҳдан овоз келибди: “Эй, бандам, бергим бору, нукул бармоқларинг мушт бўлиб тура-

ди, қўлларинг очик эмас. Оз бўлсаям кафтингни очик тут, оладиган қўлларинг очик бўлсин-да, ўшанда бераман” деган экан. Ушбу ривоятда хикмат бисёр. Эҳтимол, Баҳодир Ҳасан эрта-ю кеч халқнинг ҳузурини ўйлагани учун ҳам унинг ризқини Худонинг ўзи бут қилаётгандир...

Ва энг муҳими Баҳодир Ҳасан сизу биз – эл кўзлаган маррага, бахтиёр кунларга беталофат етиш йўлини кўрсатиб бермоқда – халқимизни оммавий нозўравон курашга – миллатни жипслашишга, бирлашишга, ҳамжихатликка, бир мушт бўлиб тугилишга, бир ёқадан бош чиқаришга чорламоқда. Юртдошларимизни “Бирлашган ўзар – бирлашмаган тўзар” деган ақидага амал қилишга ундамоқда.

Шундай инсоннинг кўрагидан итариш, юрагида юртдошларига нисбатан бир дунё меҳри бор кишини камситиш, бир банданинг кўкўпар орзулари, эзгу мақсадларини масҳаралаш мумкинми? Шундайлар топилгудек бўлса – ундайларни кўнгиллари кўмирдан нусха олган нокаслар, деган бўлардим.

Ундан кўра, Баҳодирга кулоқ тутинг, унга ишонинг, унга эргашинг, елкадош бўлинг, кам бўлмайсиз. Миллатдошларимга Баҳодир Чориевга ишонинг, унга елка тутиш тезроқ дорилонмон онларга етиш, қисқа фурсат ичида фаровон, адолатли жамият қасрига кириш калитидир дегим келади.

Бугун (30 октябр) миллатпарвар, халқпарвар Баҳодир Чориевнинг туғилган куни. Ушбу кун Баҳодирдек элпарвар ўғлони бўлган халқимиз учун чинакам байрам бўлиши керак, аслида. Чунки бутун борлигини, бир марталик умри – ҳаётини халқига бахшида қилишга қодир баҳодирлар ҳар куни туғилавермайди, миллатпарвар, ҳақиқий мардлар юз йилда бир бор дунёга келадилар.

Бугун Баҳодирдек фарзанди бор миллатдошларимга элпарвар ўғлининг таваллуд айёми барчангизга муборак бўлсин, дегим келади.

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА,
мустақил журналист.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

ҚОЗОҒИСТОНДА ЎЗБЕК ЎЗБЕКНИ ЖАРГА ИТАРМОҚДА”


Қозоғистонга новвойчилик қилиш учун борган наманганлик ҳуқуқ фаоли Зоҳиджон Зокиров қозоқ полициясининг зўравонликларидан ёзғирди. Унинг айтишича, полициячилар меҳнат муҳожирларининг руҳсатномаси бор-йўқлигига қарамай, ҳибсга олишда ва қийноққа соладилар. Зоҳиджоннинг ўзи ҳибсга олиниб, дўппослангани ҳақида гапириб берди. Аммо айтилган пайтда унинг айтишича, ўзбекларни қийнаётганлар фақат қозоқлар эмас. Муҳожирларни қоп-қоп ваъда билан Қозоғистонга олиб кетган ўзбекистонлик иш берувчилар уларнинг паспортларини олиб қўйишади, оғир шароитларда сақлайдилар ва ҳақларини беришмайди. Наманганлик ҳуқуқ фаоли ўзини Қозоғистонга олиб кетган девор-дармиён қўшнисидан 4 ойлик иш ҳақини ололмаётганини айтди. “Хафа бўлманг-у, оддий қозоқлар ўзимизнинг ўзбеклардан тузукроқ экан. Бизга ёрдам берган қозоқлар бўлди. Аммо ўзбек ўзбекни жарликка итараяпти”, – дейди Зоҳиджон Зокиров Биби-си билан суҳбатда.

ФИДОЙИ САФДОШИМИЗ ВАФОТ ЭТДИ

Ўтган асрнинг 90 йилларида муҳолифат сафларига қўшилган, гоҳ биргаликда, гоҳ алоҳида ҳолда ўзининг ва элдошларининг ҳақ-ҳуқуқлари учун курашиб келган сафдошимиз Валерий Назаров вафот этди. У “Бирлик халқ ҳаракати”даги бўлинишдан кейин (Абдулла Юсупов, Комижон Нуриллаев, Ҳайитбой Ёқубов сингари ўнлаб аъзолар каби) сафларда қолган собитқадам сафдошларимиздан бири эди.

2000 йилларда фермер хўжалиги очиб, баҳоли қудрат оила тебратиб юрди ва фермерларнинг ерларини йириклаштириш баҳонасида ери тортиб олинди. Валерий Назаров ўзининг қонуний ерини олиш ва фаолиятини қайта тиклашга астойдил интилди: хорижий радиоларга интервьюлар берди, маҳаллий ҳукмдорлар билан судлашди, гоҳ енгиб, гоҳ енгилди...

Валерий Назаров уч йил аввал “Бирдамлик” сафларига қўшилиб ташкилотнинг Хоразмдаги етакчисига айланган, жиддий ижтимоий фаолият бошлаган, хоразмдаги бедодликлар ҳақида ўткир мақолалар ёзиб, маҳаллий ва номаҳаллий амалдорларни шош этаётган, ҳаракат акцияларида фаол фаолият олиб бораётганди. 2012 йил 8 декабрда «Бирдамлик» фаоллари пойтахт Тошкентда Конституция кунига бағишланган



акция ўтказишмоқчи эди. Хоразм вилояти етакчиси Валерий Назаров ҳам Тошкентга отланганди, аммо у Хоразмдаги ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати ходимлари босимида учради. Орадан бир ярим ой ўтиб Валерий Назаровнинг аҳволидан хавотирланган фаоллар Тошкентдан Хоразмга етиб боришган. Улар Назаров оиласининг аъзолари қаттиқ қўрқитилганини, Валерий Назаровни эса қарахт ҳолатга тушганини кўришган. Шу йилнинг 10 ноябрь куни Валерий Назаров 66 ёшида вафот этди. Валерий Назаровга руҳий касалликлар касалхонасида қандай “муолажа” олиб борилгани, нега у бу “муолажа”дан кўп ўтмай вафот этгани сирлигича қолмоқда...

Албатта, бу дунёга ҳеч ким устун бўлмайди.

Фақат халқ ҳаётини яхшилаш йўлида жафочекканларнинг хотирасигина эл қалбида абдий қолади. Ўйлаймизки, сафдошимиз Валерий Назаровнинг меҳнатлари ҳам бесамар кетмайди.

Бир куни жабрдийда юртимизга дорилонмон кунлар келади ва бу хушнуд кунларнинг тезроқ рўёбга чиқиши йўлида халқимизга сидқидилдан хизмат қилган ва бу борада жонини фидо этган Валерий Назаровнинг хизматлари унутилмайди.

“Бирдамлик” Халқ Демократик Ҳаракати фаоллари Хоразмнинг эркпарвар ўғлони Валерий Назаровнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига яна бир бор чуқур таъзия изҳор қилади.

“БИРДАМЛИК” ХДХ раҳбарияти

